

## ИҚТИСОДИЁТ ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ЁНГИН-ҚУТҚАРУВ БҮЛИНМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ ҳузуридаги ФМИ  
катта ўқитувчиси  
Собиров Р.С

**Аннотация:** Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган турли табиий ва техноген оғатлар, юқумли касалликлар билан боғлиқ пандемиялар жаҳон мамлакатларидан ушбу ҳодисаларга қарши туришида зарур чораларни қўллаш, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ишчи ва ходимларини, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларга етарли даражада тайёрлашни талаб этади.

Ёнгин-портлаш хавфи мавжуд ва иқтисодиёт обектлардаги авариялар натижасида содир бўладиган ёнгинлар. Ёнгин-портлаш хавфи мавжуд обектлардаги содир бўладиган портлашлар ва ёнгинлар.

**Калит сўзлар:** Иқтисодиёт объектларидағи Ёнгин-қутқарув бўлинмаларининг фаолияти, асосий вазифалари ва ваколатлари. Ёнгин-портлаш, тоифалаган объектлар, аҳолини тайёрлаш, ёнгин-қутқарув хизмати.

**Аннотация:** Сегодня в мире происходят различные природные и техногенные катастрофы и пандемии, связанные с инфекционными заболеваниями.

На объектах критического значения и категории для ликвидации пожаров, возникающих в результате аварий на объектах пожаро-взрывоопасных объектов, существуют автономные службы пожарной безопасности. Неоценима роль личного состава пожарно-спасательных служб в предупреждении взрывов и пожаров на пожаро-взрывоопасных объектах.

**Ключевые слова:** Основные задачи и компетенции пожарно-спасательных подразделений и служб по охране объектов экономики от пожаров и взрывов. Пожар и взрыв, категорированные объекты, обучение населения, пожарно-спасательная служба.

**Annotation:** Today, the world is experiencing various natural and man-made disasters and pandemics associated with infectious diseases.

At objects of critical importance and categories for the elimination of fires resulting from accidents at objects of fire and explosion hazardous objects, there are autonomous fire safety services.

The role of the personnel of the fire and rescue services in the prevention of explosions and fires at fire and explosion hazardous objects is invaluable.

**Key words:** Fire and explosion, categorized objects, public education, fire and rescue service

Объектлардаги Ёнғин-қутқарув бўлинмалари (Ёнғин хавфсизлиги бўлим ва бўлинмалари) ходимларининг муҳофаза қилинаётган объектлар (масканлар)да ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларни олдини олиш ва содир бўлганларини ўчириш борасидаги фаолияти қўриқлананаётган объектларини Ёнғин хавфсизлиғини таъминлаш марказлари ҳамда худудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари томонидан ташкил қилинади.

Муҳофаза қилишга янги қабул қилинган объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати ҳамда янгидан ташкил этилган Ёнғин-қутқарув бўлинмалари, Ёнғин хавфсизлиги бўлим ва бўлинмалари фаолияти Вазирлик Ўта мұхим, тоифаланган ва қўриқланадиган объектларда ёнғин хавфсизлиғини ташкил этишни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда объектларини Ёнғин хавфсизлиғини таъминлаш марказлари ҳамда худудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари раҳбариятининг доимий назоратида бўлиши керак.

Объектлардаги Ёнғин-қутқарув бўлинмалари, Ёнғин хавфсизлиги бўлим ва бўлинмалари хизмат фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, уларга белгиланган вазифаларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси Вазирлик Ўта мұхим, тоифаланган ва қўриқланадиган объектларда ёнғин хавфсизлигини ташкил этишни мувофиқлаштириш бошқармасининг қўриқлананаётган объектларини Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш марказлари ҳамда худудий Фавқулодда вазиятлар бошқармаларига юклатилади [4].

Объектлардаги Ёнғин хавфсизлиги бўлим ва бўлинмалари бошлиқлари ҳамда бошқа ходимлари муҳофаза қилинаётган объектларнинг ёнғинга хавфлилигини билишлари, бўлинмалар шахсий таркиби томонидан хизмат вазифаларини бажарилишини ҳамда уларнинг хизмат фаолиятидаги камчиликлари бартараф этилишини мунтазам назорат қилишлари керак.

Объектлардаги Ёнғин хавфсизлиги бўлим ва бўлинмалари томонидан қўйи тизимлари фаолияти ҳамда муҳофаза қилинаётган объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати устидан назорат ўрнатилиши лозим. Назорат иш куни давомида бўлинмаларда хизматни ҳамда ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкил этилишини текшириш ҳамда ҳар чорак якуннда уларнинг хизмат фаолиятини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Штат бирлигига тезкор навбатчи лавозимлари бўлган ҳолатларда Ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари муҳофаза қилинаётган объект ва бўлинмалардаги вазият тўғрисида уларнинг кунлик ҳисоботини тинглаши керак. Тезкор навбатчилар ҳар навбатчилик даврида бўлинмалардан бирининг хизмат фаолиятини батафсил текширишлари, шу билан бирга бошқа бўлинмалардаги хизмат фаолияти ҳолати назардан четда қолдирмаган ҳолда ва муҳофаза қилинаётган объект, маскан, бўлим, цех, участка ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишлари лозим.

Объектдаги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, маркази, бўлими ва бўлинмаси ўз ваколатлари доирасида муҳофаза қилинаётган объектларда шартномавий мажбуриятларни бажариш билан бирга [4]:

муҳофаза қилинаётган объектларда ёнғинларни олдини олиш ва ўчириш ҳамда улар билан боғлиқ авария-қутқарув ишларини амалга оширади;

муҳофаза қилинаётган объектларнинг маъмурияти билан ҳамкорликда бўлинмалар ходимлари томонидан участка, сектор, пост ва дозор йўналишларида хизматни ўташ тартибини белгилайди;

муҳофаза қилинаётган объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати ҳамда Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, маркази, бўлими ва бўлинмасининг хизмат фаолиятини таҳлил қиласи, содир бўлган ёнғин (авария)ларни ўрганади ва уларни олдини олиш ҳамда ёнғин ўчиришни ташкил этишни такомиллаштириш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

белгиланган тартибда муҳофаза қилинаётган объектлар томонидан ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича буйруқ, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашда иштирок этади;

муҳофаза қилинаётган объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширади ва бу борада назоратни амалга оширади;

муҳофаза қилинаётган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишади ва ёнғин чиқиш хавфи бўлган ишларга тайёргарлик қўриш ҳамда ўтказиша ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бажарилишини назорат қиласи;

муҳофаза қилинаётган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ҳудудий назорат органлари билан ҳамкорлик қиласи;

ёнғинлар юзасидан терговга қадар текширув ишларини ўтказадилар, ёнғин ва ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган аварияларни сабаби ва шароитини аниқлаш бўйича объектларда тузилган комиссиялар ишида қатнашади, уларни олдини олиш, ёнғинларни ўчириш ва аварияларни бартараф этишга шароит яратиш бўйича таклифлар киритади;

бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва техник жиҳозлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларида ёнғинга қарши меъёр ва қоидалари талабларини инобатга олинганлигини кўриб чиқади ҳамда қурилиш ишларини олиб боришда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қиласи;

муҳофаза қилинаётган объектларда ёнғинларни ўчиришни ташкил этиш бўйича маҳсус ҳужжатларни ишлаб чиқадилар, авария ҳолатларини бартараф этиш режаларини тайёрлашда қатнашадилар, маъмурият, маҳсус хизматлар, авария-қутқарув ва қўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари билан ҳамкорликда ишлаш тартибини белгилайди;

ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ёнғин автоматикаси қурилмалари, ёнғинга қарши сув таъминоти, бирламчи ёнғин үчириш воситалари ва бошқаларнинг ҳолати ва ишга яроқилиғини назорат қилади;

муҳофаза қилинаётган обьектларнинг ишчи-хизматчилари, кўнгилли ёнғин үчириш дружиналари, шунингдек, вақтинча иш бажарувчilarни ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва ёнғин вақтидаги ҳаракатларга ўргатишда қатнашади ҳамда ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

иш вақти тугаганидан сўнг ҳамда байрам олди кунлари ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган хоналарни ёпилишидан олдин кўздан кечиришда қатнашади;

муҳофаза қилинаётган обьектлар маъмурияти билан ҳамкорликда бир йилда бир маротаба ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича семинарлар, кўрик- танловлар ҳамда кўнгилли ёнғин ўчшириш дружиналари мусобақаларини ташкил этади;

ёнғин хавфсизлиги масалалари юзасидан обьект маъмурияти ва хизматчилари га маслаҳатлар беради ҳамда тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа ташкилотлари ва муҳофаза қилинаётган обьектларнинг тегишли хизматлари билан ҳамкорлик қилади;

ёнғин-техник комиссиялари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги хизматлари томонидан ўтказиладиган текширишларда иштирок этади ва натижаси бўйича обьектнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

объектда меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатининг уч поғонали назоратни амалга оширишда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида талабалар, хавфли обьектлар ишчи-хизматчиларини биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари га ўқитиш масаласи яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу мақсадларни амалга ошириш учун маҳсус курслар, кафедралар фаолияти йўлга қўйилган. Биринчи тиббий ёрдамни ўқитишга мўлжалланган дастурлар, дарсликлар чоп этилган. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ҳамда қоидалари яхши ишлаб чиқилган [5].

Бироқ, бу қоидалар кундалик шароитида жабрланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари ҳисобланади. Фавқулодда вазият эса бутунлай бошқа шароит. Кундалик шароитида қон босимининг ошиши, юрак хуружи, тутқаноқ тутиши каби касалликлардан жабрланган одамларга ёрдам кўрсатилса, фавқулодда вазият шароитида зилзиладан, портлашдан, бино ва иншоотларнинг қулаб тушишидан, йирик транспорт аварияларидан жабрланган инсонларга, тўғрироғи, одамлар гуруҳига ёрдам кўрсатилади. Фавқулодда вазият шароитида жабрланувчи битта эмас, аксинча улар бир неча бўлади. Бундан ташқари, фавқулодда вазият шароити жабрланувчига ёрдам кўрсатувчи учун кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқаради. Бундай ноқулайликларга вайронна ҳудудидаги бино ва иншоотларнинг қулаб тушиш, йирик транспорт аварияларида ёнғин ва портлашлар келиб чиқиши хавфи ва ҳоказолар киради. Шундан келиб чиқиб, фавқулодда вазият шароитида

жабрланувчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш тизими, ушбу тизимнинг дастур ва дарсликларини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрь кунидаги “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрель кунидаги “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ – 5706 - сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрель кунидаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 4276 - сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 30 сентябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг объектлардаги Ёнғин-қутқарув бўлинмалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 500-сонли буйруғи.
5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг нашри бўлган “Muhofaza+” № 2023/3 (219) сони “ФВВ тизимида аҳоли ва ишчи-хизматчиларни биринчи тиббий ёрдам қоидаларига ўқитиши”.

### **ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ:**

1. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.google.ru](http://www.google.ru)